

**АЙРИМ ХОРИЖИЙ МАМЛАКАТЛАРДА КРЕДИТ
МУНОСАБАТЛАРИ СОҲАСИДАГИ ЖИНОЯТЛАР УЧУН
ЖАВОБГАРЛИК**

Б. Н. Файзиев

Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни Муҳофаза қилиш Академияси
ТИНГЛОВЧИСИ

Аннотация. Мақолада хорижий мамлакатларда кредит муносабатлари соҳасидаги жиноятлар учун жиноий-ҳуқуқий жавобгарликнинг қиёсий-ҳуқуқий таҳлили амалга оширилган. Германия, МДҲ давлатлари, Россия Федерацияси, Франция, Италия, англо-саксон ҳуқуқ тизими, шунингдек, Осиё давлатлари қонунчилигида кредит муносабатлари соҳасидаги жиноятларини тартибга солиш хусусиятлари ўрганилган. Тадқиқотда кредит олишда ёлгон маълумот тақдим этиш ва молиявий алдовларни жиноят сифатида баҳолашдаги асосий ёндашувлар очиб берилган ҳамда хорижий тажрибани миллий жиноят қонунчилигини такомиллаштиришда қўллаш имкониятлари асосланган.

Калит сўзлар. Кредит муносабатлари, кредит фирибгарлиги, жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик, хорижий давлатлар қонунчилиги, фирибгарлик, ёлгон маълумот тақдим этиш, субсидияларни ноқонуний олиш, молиявий жиноятлар, кредитор манфаатлари, иқтисодий хавфсизлик.

Хорижий мамлакатларда кредит муносабатларини жиноий-ҳуқуқий усуллар орқали муҳофаза қилиш тажрибасини ўрганиш, шубҳасиз, мамлакатимиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари фаолияти учун муҳим аҳамият касб этади. Чунки ривожланган давлатларда йиллар давомида шаклланиб келган самарали амалиётни таҳлил этиш ва уларнинг қонунчилик тажрибасини миллий тизимимизга татбиқ этиш орқали жиноятчиликка қарши курашиш самарадорлигини ошириш мумкин бўлади.

Мазкур тадқиқот доирасида кредит муносабатларини жиной тажовузлардан ҳимоя қилиш мақсадида жиной-ҳуқуқий тақиқларни белгилаш бўйича халқаро тажрибани ўрганишнинг аҳамияти алоҳида таъкидланади. Бунинг асосий сабаби — молиявий тизимдаги барқарорликни таъминлаш ва фуқароларнинг банк тизимида бўлган ишончини мустаҳкамлашдир.

Жумладан, Германия Федератив Республикасида кредит муносабатларини жиной-ҳуқуқий ҳимоя қилиш бўйича узоқ йиллардан буён амал қилиб келаётган **Германия Федератив Республикасининг Жиноят кодекси (Strafgesetzbuch — StGB)** алоҳида аҳамият касб этади. Мазкур кодекснинг 22-бўлими “**Фирибгарлик ва ишончни суиистеъмол қилиш (Betrug und Untreue)**” деб номланиб, у жиноятларнинг бир қатор шакллари камраб олади.

Ҳамюртимиз **М. Ахмаджонов**нинг таъкидлашича, ГФР ЖК 22-бўлимида асосий фирибгарлик жинояти билан бирга унинг бир неча махсус турлари ҳам белгиланган:

- компьютер фирибгарлиги (§ 263a StGB),
- субсидияларни алдов йўли билан қўлга киритиш (§ 264 StGB),
- сармоялашдаги фирибгарлик (§ 264a StGB),
- суғурта суммасини ошириб олиш мақсадида алдаш (§ 265 StGB),
- алдов йўли билан фойда олиш (§ 265a StGB),
- кредит олиш билан боғлиқ фирибгарлик (§ 265b StGB).¹

ГФР ЖК § 265b Abs. 3 Nr. 2 га кўра, “**кредит**” — “ҳар қандай турдаги пул қарзлари, акцепт кредитлари, пул мажбуриятларини кечиктириш,

1. М. Ахмаджонов Хорижий мамлакатлар қонунчилиги бўйича фирибгарлик жиноятлари учун жавобгарлик: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил 2012 №1 Ўзбекистон Қонунчилиги таҳлили.
SJIF: 5.051

векселлар ва чекларни ҳисобга олиш, кафолат ва шунга ўхшаш таъминот турлари”ни ўз ичига олади. Модда диспозициясида кредит миқдорининг жиноят квалификацияси учун аҳамиятсизлиги кўрсатилган.²

Объектив томондан мазкур жиноятни уч асосий қилмишларда намоён бўлишини кўрсатиб ўтиш мумкин:

- нотўғри молиявий ҳужжатлар тақдим этиш (баланс, ҳисобот ва ҳ.к.);
- ёзма шаклда ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни киритиш;
- кредит ташкилотини иқтисодий аҳвол ёмонлашгани ҳақида хабардор этмаслик.

Субъектив томон ушбу жиноят қасддан содир этилади, айбдор ўз қилмишининг ижтимоий хавфлилик хусусиятини англайди ва шундай қилмишни содир этишни истайди.

Субъект сифатида жисмоний шахслар — тадбиркорлар, корхона раҳбарлари ёки молиявий масъул шахслар иштирок этади. Улар молиявий маълумотларни ҳужжат шаклида расмийлаштиришда ёлғон маълумот берган тақдирда жавобгарликка тортилади.

ГФР Жиноят кодексидаги § 265b “Kreditbetrug” нормаси халқаро ҳуқуқ тизимларида кредит муносабатларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг илғор намунаси сифатида эътироф этилган. Мазкур норма кредит берувчи ва қарз олувчи ўртасидаги ишончли муносабатларни ҳимоя қилишга, молиявий хатарларни олдини олишга ҳамда иқтисодий барқарорликни таъминлашга хизмат қилади.

Германия тажрибаси кейинчалик кўплаб давлатлар, жумладан, собиқ совет ҳудудидаги мамлакатлар қонунчилигида ҳам акс этган.

² https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html/Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси.
SJIF: 5.051

Хусусан, рус олими М.М. Савченко фикрига кўра, бир қатор давлатлар кредит соҳасидаги алдов ёки нотўғри маълумот бериш билан боғлиқ жиноятларни тартибга солишда айнан § 265b StGB нормасидан илҳомланган ва бу таъсир қуйидаги миллий қонун ҳужжатларида ҳам ўз ифодасини топганлиги акс этган:

- Озарбайжон Республикаси Жиноят кодексининг 195-моддасида кредит беришдаги алдов ҳаракатлари учун жавобгарлик назарда тутилган;
- Россия Федерацияси ЖК 176-моддасида кредит ва субсидиялар олишдаги фирибгарлик ҳолатлари алоҳида жиноят таркиби сифатида белгилаб қўйилган;
- Туркменистон ЖК 264-моддасида банк кредити олишда маълумотларни бузиб кўрсатиш ҳолати жиноят деб тан олинган;
- Белоруссия Республикаси ЖК 237-моддаси ҳам ана шундай йўналишда ишлайди;
- Украина ЖК 222-моддасида молиявий мажбуриятлар бўйича алдов орқали фойда олиш ҳаракатлари баён этилган;
- Тожикистон ЖК 264 ва 246-моддаларида кредит ёки субсидия олишдаги алдовга оид ҳолатлар қамраб олинган;
- Молдова Республикаси ЖК 238-моддасида банк тизимидаги ишончсиз маълумот тақдим этиш билан боғлиқ жиноятлар белгиланган;
- Қозоғистон Республикаси ЖК 194-моддасида мулкӣ манфаат учун алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали етказилган зарар учун жавобгарлик назарда тутилган.³

³ М.М. Савченко Уголовное законодательство зарубежных стран о мошеннических посягательствах на собственность и законные интересы кредитных учреждений УДК 349 DOI 10.20310/2587-9340-2021-5-20-779-791 2021.
SJIF: 5.051

Бизнинг фикримизча бу давлатлар ГФР қонунчилигининг асосий концепцияларини тўғридан-тўғри кўчирмаган, балки миллий иқтисодий шароитлар ва ҳуқуқий анъаналарни инобатга олган ҳолда қайта ишлаб чиқишган. Шу билан бирга, уларнинг барчасида асосий мақсад — кредит тизимидаги ишонч муносабатларини муҳофаза қилиш ва иқтисодий хавфсизликни таъминлашдир.

МДХ давлатларида жиноий-ҳуқуқий жавобгарлик. Маълумки, 1996 йил 17 февралда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДХ) Парламентлараро Ассамблеяси томонидан Намунавий Жиноят кодекси қабул қилинган бўлиб, унинг 259 ва 260-моддаларида кредит муносабатларига оид жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган. 259-модда “Ноқонуний кредит олиш” деб номланиб, у яқка тартибдаги тадбиркор ёки ташкилот раҳбари томонидан банк ёки бошқа кредит муассасасига кредит, дотация ёки имтиёзли шартлардаги маблағни олиш учун иқтисодий ҳолат ҳақида ёлғон маълумотлар тақдим этиш ҳолатларини қамраб олади. Шунингдек, имтиёзли шартларни олиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган маълумотларни қасддан бузиб кўрсатиш ёки кредит беришни бекор қилишга сабаб бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар тўғрисида маълумот бермаслик ҳолатлари ҳам жиноий жавобгарликка тортилади. Бу ҳолатлар натижасида катта миқдорда зарар етказилган бўлса, жиноят сифатида баҳоланади. 260-модда “Кредиторлик қарзини тўлашдан бўйин товлаш” деб номланиб, у ташкилот раҳбари ёки фуқаронинг суд қарори билан белгиланган катта миқдордаги қарзни тўлашдан қасддан бош тортиши учун жавобгарликни назарда тутди.⁴

⁴ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html/МДХ Намунавий Жиноят кодекси.
SJIF: 5.051

Россия Федерациясида 2000-йиллар бошида истеъмол кредити бозори жадал ривожлана бошлади. Банклар аҳолига кредитларни соддалаштирилган тартибда тақдим эта бошлаган, бу эса айрим топик кимсалар учун жиноий имконият яратган. Бундан ғараз ниятли шахслар фойдаланиб, сохта ҳужжатлар тақдим этган, даромадларни ошириб кўрсатган ва кредитларни номига расмийлаштирган фиктив шахслар орқали олганлар. Бундай жиноятлар сони кескин ошган.

2012 йилга қадар бу каби қилмишлар умумий тарзда “фирибгарлик” сифатида квалификация қилинган. Бироқ амалиётда кредит билан боғлиқ алдовлар бошқа турдаги фирибгарликлардан фарқ қиладиган хусусиятларга эга эканлиги аниқланди. Шу сабабли Россия Федерацияси Жиноят кодексига махсус модда — 159.1-модда “Кредит фирибгарлиги” номи билан киритилди. Унга кўра, кредит ёки субсидия олишда ёлғон маълумот тақдим этиш, сохта ҳужжатлардан фойдаланиш ёки кредит мақсадида алдамчилик йўли билан маблағ олиш жиноий жавобгарликни келтириб чиқаради.⁵

Бу модданинг амалиётга киритилиши Россия ҳуқуқ тизимида кредит муносабатлари билан боғлиқ жиноятларни аниқ ажратиб, уларни мақсадли равишда жазолаш имконини берди. Шу тариқа кредит соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш бўйича жиноий-ҳуқуқий таъсир воситалари такомиллашди.

МДХ давлатлари ва Германия тажрибаси: кредит фирибгарлиги бўйича жиноий-ҳуқуқий меъёрларнинг қиёсий таҳлили

Озарбайжон ва Туркменистон қонунчилигида кредит муносабатларига оид жиноятлар учун жавобгарлик мазкур мамлакатларнинг жиноят

⁵ <https://www.wipo.int/wipolex/en/legislation/details/17946>/Россия Федерацияси Жиноят кодекси.
SJIF: 5.051

қонунчилигида белгиланган. Туркменистон Республикаси ЖК 264-моддасида ноқонуний кредит олиш ва 265-моддасида эса кредит қарздорлигини сўндиришдан қасддан бўйин товлаш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлсада⁶, Озарбайжон Республикасининг Жиноят кодекси 195-моддасида кредитни ноқонуний олиш ёки ундан мақсадсиз фойдаланиш ижтимоий хавфли қилмиш деб белгиланган.⁷ Уларни ГФРнинг жиноят қонунчилигидаги § 265b StGB “кредит қўлга киритишга қаратилган фирибгарлик” меъёрларига яқин тарзда шаклланган десак бўлади.

Белоруссия Республикаси ЖК 237-моддасида кредит ёки субсидияни ноқонуний олиш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу жиноят қасддан ёлғон ҳужжатлар ва кредит ёки субсидия олиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлган ҳолатлар тўғрисидаги маълумотлардан фойдаланиб содир этиш ҳамда индивидуал тадбиркор ёки юридик шахснинг мансабдор шахси томонидан кредит бериш ёки субсидия ажратишни тўхтатиб туриш ёки тўхтатишга олиб келадиган ҳолатлар юзага келганлиги ҳақидаги маълумотни билдирмасликда ифодаланган ҳаракат ва ҳаракатсизликни содир этилиши билан тугалланган деб ҳисобланади. Беларуссия ЖК 237-моддаси жиноят содир этилиши жараёнида айбдор шахснинг бевосита таъсирига нафақат кредит балки субсидияни ҳам учрашини белгилаб қўйганлиги билан характерланади.⁸ Германия Федератив Республикаси Жиноят кодексида эса давлат томонидан ажратиладиган субсидияларни алдов йўли билан қўлга

⁶ <https://ombudsman.gov.tm/doc/Уголовный%20кодекс.pdf> /Туркменистон Республикаси Жиноят кодекси.

⁷ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353/Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси.

⁸ <https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275>/Белоруссия Республикаси Жиноят кодекси.

киритиш учун жавобгарлик алоҳида §264 “Субсидияларни қўлга киритишга қаратилган фирибгарлик.” (**Subventionsbetrug**) нормада белгиланган.⁹

Тожикистон Республикаси жиноят қонунчилигида кредит муносабатларига оид жиноятларга икки турда ифодаланган, биринчиси ЖК 264-моддасидаги ноқонуний равишда кредит олиш, агар бу ҳаракатда талон-торож қилиш аломатлари мавжуд бўлмаса. Ушбу ижтимоий хавфли қилмиш хўжалик ёки молиявий ҳолат ҳақидаги ёлғон маълумотларни тақдим этиб, шу орқали кредит, дотация ёки имтиёзли кредитларни ноқонуний олишда намоён бўлади ва қасд билан содир этиладиган, мулкни талон-торож қилиш аломатларини камраб олмайдиган иқтисодий жиноят ҳисобланади. Кейингиси, ЖК 246-моддасидаги кредит сифатида берилган маблағларни талон-торож қилиш жинояти бўлиб, жиноий жавобгардик фақатгина кредит сифатида берилган маблағларни талон-торож қилганлик учун вужудга келади. Жиноят кредитнинг ҳақиқий берилганлиги ва айбдор томонидан унинг эгалланиши фактлари билан тугалланган ҳисобланади. Жиноят фақат тўғридан-тўғри қасд билан содир этилади, яъни айбдор шахс кредитни қайтармаслик ёки уни ўз манфаатига ноқонуний равишда сарфлаш ниятини олдиндан билиб ҳаракат қилади. Унинг мақсади кредитор манфаатларига зид равишда мол-мулкни талон-торож қилишдир.¹⁰

Украина ЖК 222-моддаси “Молиявий ресурслар билан боғлиқ фирибгарлик”да назарда тутилган жиноят фақат ёлғон маълумотларни тақдим этиш орқали амалга оширилади, бу маълумотлар субсидия,

⁹ https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html/Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси.

¹⁰ <https://www.warnathgroup.com/wp-content/uploads/2015/03/Tajikistan-Criminal-Code.pdf>/Тожикистон Жиноят кодекси.

субвенция, дотация, кредит ёки солиқ имтиёзларини олиш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади. Жиноят мулкни олиш ёки уни талон-торож қилишни назарда тутмайди, балки ахборотни сохталаштириш орқали молиявий имтиёзларни ноқонуний равишда қўлга киритишни ўз ичига олади. Жиноят қасдли равишда содир этилади; айбдор шахс маълумотнинг ёлғон эканини билади ва аниқ мақсад — молиявий ресурсларни, субсидия ёки кредитларни ноқонуний равишда олишдир. Бу ҳолда шахснинг мақсади ўз манфаати учун молиявий имтиёзларни қўлга киритишдир.¹¹

Молдова ЖК 238-моддасида “кредит, ссуда ёки суғурта ёрдами/пул маблағини алдаш йўли билан олиш” назарда тутилган жиноят ёлғон маълумотларни тақдим этиш орқали кредит, ссуда ёки суғурта ёрдами/пул маблағини олиш ёки уларнинг суммасини оширишни ўз ичига олади ва натижада молиявий ташкилотга 500 ва ундан ортиқ шартли бирликда моддий зарар етказишда ифодаланади.¹² Бу норма мазмун ва моҳият жиҳатидан немис жиноят қонунчилигидаги кредитни қўлга киритишга қаратилган фирибгарликка яқин бўлиб, унда сохта маълумот тақдим этиш ёки ёлғон ахборот билан банкни чалғитиш жиноят деб ҳисобланади. Бу ҳолда шахснинг **била туриб қасддан** ҳаракат қилгани жиноий таркибнинг асосий белгиси сифатида белгиланган.

Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 194-моддаси “Кредитни ноқонуний олиш ва мақсадсиз фойдаланиш”да назарда тутилган жиноят кредит муносабатларига тажовуз қилади. Ушбу жиноят объектив томондан кредит, дотация, имтиёзли кредитлаш шартларини ноқонуний олиш ҳамда давлат кафолати асосида берилган кредит ёки давлат кредитидан мақсадсиз

¹¹ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109/Украина Жиноят кодекси.

¹² https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923/Молдова Республикаси Жиноят кодекси.

фойдаланишда намоён бўлади. Жиноят таркибининг зарурий белгиларидан бири жиноий қилмиш оқибатида фуқаро, ташкилот ёки давлатга катта зарар етказилганлиги белгиланган.¹³ Ўз-ўзидан кўриниб турибдики, ҚР ЖК 194-моддаси мазмуни жиҳатидан ГФР ЖК §265 “b” “Кредитларни қўлга киритишга қаратилган фирибгарлик” ва ЖК §264 “Субсидияларни қўлга киритишга қаратилган фирибгарлик.” (**Subventionsbetrug**) нормаларига яқин бўлиб, ушбу моддани ишлаб чиқишда ундан ҳуқуқий асос сифатида фойдаланганилигидан далолат беради.

Венгрия Жиноят кодекси (2012 йилги С қонуни) кредит муносабатларидаги фирибгарлик ва ноқонуний ҳаракатларни тартибга солишга қатъий ёндашувни белгилайди. Асосий нормалардан бири 373-модда (Фирибгарлик – Fraud) бўлиб, унга кўра, шахс алдов, хийла ёки ҳақиқатни яшириш орқали ўзига ёки учинчи шахсга ноқонуний молиявий манфаат олиб, зарар етказса, жиноят содир этган ҳисобланади. Бу модда кредит олишда ёлғон маълумотлар тақдим этиш, масалан, қарз шартномасида молиявий ҳолатни бузиб кўрсатиш ҳолатларини камраб олади.

Қўшимча равишда, 396-модда (Бюджет фирибгарлиги – Budget Fraud) ва 404-модда (Фирибгарча банкротлик – Fraudulent Bankruptcy) кредит муносабатларидаги жиноятларни тартибга солади. 396-моддага кўра, ёлғон баёнотлар орқали субсидиялар ёки кредитлар олиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган, хусусан, молиявий йўқотиш катта бўлса. 404-модда эса қарздорнинг мулкни яшириш, сохта шартномалар тузиш ёки кредиторларни алдаш орқали банкротликни қасдан келтириб чиқаришни жиноят деб белгилайди. Бу нормалар Германия ва Австрия қонунчилигига

¹³ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=27;-60/ Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси.

ўхшаш бўлиб, кредиторлар манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Венгрия амалиётида бу ҳолатлар фақат мулкый зиён эмас, балки иқтисодий тизим барқарорлигига таҳдид сифатида баҳоланади. Агар шахс зарарни қопласа, жазо енгиллаштирилиши мумкин.¹⁴(масалан, жазо муддати енгиллаштирилиши мумкин)

Италия қонунчилигида кредит муносабатларидаги жиноятлар асосан Банкротлик қонуни (Regio Decreto 267/1942) ва Жиноят кодекси орқали тартибга солинади. Банкротлик қонунининг 216-моддаси (Фирибгарча банкротлик – Fraudulent Bankruptcy) мулкни яшириш, сохта ҳисоботлар тақдим этиш ёки кредиторларни алдаш орқали қарз мажбуриятларидан қочишни жиноят сифатида белгилайди. Бу модда кредит муносабатларида қасддан молиявий ночорлик келтириб чиқариш ҳолатларини қамраб олади, масалан, қарздор мулкни учинчи шахсларга ўтказиб, кредиторларни зиёнга учратиш.¹⁵

Италия Жиноят кодексининг 640-моддаси (Умумий фирибгарлик – Truffa) кредит олишда ёлғон маълумотлар тақдим этиш каби ҳолатларни тартибга солади: хийла ёки алдов орқали бошқа шахсни хатога солиб, ўзига ноқонуний манфаат олиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қўшимча равишда, 640-ter модда (Компьютер фирибгарлиги) электрон тизимлар орқали кредит алдовларини қамраб олади.¹⁶ Италия амалиётида бу жиноятлар молиявий тизим барқарорлигига таҳдид сифатида баҳоланади. Банкротлик қонунининг 217-218-моддалари оддий банкротлик ва ноқонуний ҳаракатларни тартибга солиб, кредит муносабатларидаги алдовларни

¹⁴ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=27;-60/Венгрия Жиноят кодекси.

¹⁵ <https://www.normattiva.it/uri-res/N2Ls?urn:nir:stato:regio.decreto:1942-03-16:267>/Италия Банкротлик қонуни.

¹⁶ <https://www.normattiva.it/uri-res/N2Ls?urn:nir:stato:regio.decreto:1942-03-16:267>/Италия Жиноят кодекси.

қўшимча ҳимоя қилади. Агар жиноят уюшган гуруҳ томонидан содир этилса, жазо оғирлашади.

Францияда 1992 йилда қабул қилинган ва кейинчалик 2019 йилда янгиланган Жиноят кодекси (Code pénal) иқтисодий жиноятларнинг муҳим тоифаларини қамраб олган бўлиб, улар орасида фирибгарлик ва ишончни суиистеъмол қилиш алоҳида ўрин тутати.

Франция ЖК 3131-моддаси фирибгарлик (escroquerie) учун жавобгарликни белгилайди. Унга кўра, фирибгарлик — бу ёлғон исм ёки сохта мақомдан фойдаланиш, ҳақиқий мақомни суиистеъмол қилиш ёки бошқа алдамчи усуллар орқали жисмоний ёки юридик шахсни чалғитиш орқали унинг ёки унинг шахсининг зарарига мол-мулк, пул ёки қимматли қоғозларни олиш, хизмат кўрсатиш ёки мажбуриятлар юзага келишига сабаб бўлишдир.¹⁷

Бу норма, аслида, фирибгарликни кенг тушунчада талқин қилади ва у кредит муносабатларида ҳам татбиқ этилиши мумкин. Масалан, қарздор кредит олиш мақсадида банкка ёлғон маълумот берса ёки ўзининг ҳақиқий молиявий аҳволини яширса, ушбу модда доирасида жиний жавобгарликка тортилади.

Франция ЖКнинг **3141-моддаси** эса ишончни суиистеъмол қилиш (abus de confiance) учун жавобгарликни назарда тутати. Бу ҳолда жиноят бошқа шахсга тегишли бўлган ва уни қайтариш ёки маълум тарзда фойдаланиш учун берилган мол-мулкни шахсий мақсадларда ишлатиш ёки ўзлаштириш орқали содир этилади. Ушбу модда кредит муносабатларидаги

¹⁷ <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070719/>Франция Жиноят кодекси.
SJIF: 5.051

ишончли муносабатларнинг бузилиши билан боғлиқ жиноятларга ҳам қўлланилиши мумкин.¹⁸

Англо-саксон ҳуқуқ тизимидаги давлатлар (айниқса, АҚШ ва Буюк Британия) ҳуқуқий тизимининг ўзига хос жиҳати — ҳуқуқ манбалари сифатида қонун эмас, балки **суд прецеденти ва ҳуқуқий доктрина** асосий ўринни эгаллашидадир. Бу тизимда суд қарорлари қонун кучига эга бўлиб, кейинги ишларда ҳуқуқий норма сифатида қўлланилади. Шу сабабли, жиноий ҳуқуқ соҳасида, жумладан кредит муносабатларида ҳам суд амалиёти орқали ҳуқуқий қоидаларнинг такомиллашуви кузатилади.

Шу билан бирга, Англо-саксон тизимида континентал ҳуқуқ тизимидаги каби тўлиқ **кодификациялаштириш талаб қилинмайди**, яъни жиноят ҳуқуқи ягона кодекс кўринишида эмас, балки бир нечта федерал ва штат қонунларида тарқоқ ҳолда мавжуд. Масалан, АҚШда жиноят қонунчилиги **United States Code (U.S. Code)** орқали тизимга солинган бўлиб, у 54 бўлимдан (title) иборат. Жиноятларга оид нормалар асосан **18-бўлим** ("Crimes and Criminal Procedure")да жойлашган бўлса, иқтисодий муносабатларга оид айрим жиноятлар **15-бўлимда** ("Commerce and Trade") ҳам назарда тутилган.¹⁹

Федерал қонунчиликда кредит соҳасидаги фирибгарликка оид қоидалар бир нечта нормаларда ёритилган. Хусусан, **18 U.S.C. § 1344 (Bank fraud)** моддасида банк ёки молия муассасасидан **ёлғон маълумотлар, сохта**

¹⁸ <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070719> ўша жойда.

¹⁹ <https://www.govinfo.gov/content/pkg/USCODE-2009-title18/html/USCODE-2009-title18.htm> АҚШ Жиноят кодекси, 18 U.S.C.

хужжатлар ёки алдов йўли билан кредит ёки маблағ олиш ҳаракатлари жинойий қилмиш сифатида баҳоланади.²⁰

Шу билан бирга, **18 U.S.C. § 1014** моддаси кредит ташкилотига тақдим этилган ёлғон маълумотлар, сохта ҳисобот ёки мулк қийматини атайлаб ошириш орқали кредит олишга қаратилган ҳаракатларни жинойят деб эътироф этади.²⁰ Бу норма айниқса банк кредитларини расмийлаштириш жараёнида хужжатларни бузиб кўрсатиш ҳолатларига нисбатан тижорат амалиётида жуда кенг қўлланилиб, асосан молиявий кризис даврида ипотека фирибгарлиги кўпайгани учун нафақат қарздорларга, балки брокерлар ёки хужжатларни тайёрловчиларга ҳам татбиқ этилади.

Федерал тизимдаги яна бир муҳим қоида — **18 U.S.C. § 1031 (Major Fraud Against the United States)** бўлиб, у давлат маблағлари, грантлар, субсидиялар ёки кафолатланган кредитлар бўйича фирибгарлик учун жавобгарликни назарда тутди. Бу модда айниқса давлат томонидан молиялаштириладиган лойиҳалардаги жинойий схемаларни қамраб олади.²¹

18 U.S.C. § 1014 ва § 1344 бўйича жинойятларнинг субъекти қарздорлар, кафиллар, молиявий брокерлар, банк ходимлари ва фирибгарлик схемаларида иштирок этувчи бошқа жисмоний шахслар, шу жумладан уюшган гуруҳ аъзолари бўлиши мумкин. АҚШ федерал қонунчилигида юридик шахслар жинойят субъекти сифатида тўғридан-тўғри жавобгарликка тортилмайди, лекин уларнинг вакиллари ёки ходимлари шахсий жавобгарликка тортилиши мумкин. Масалан, компания номидан фирибгарлик содир этган ходим 1014 ёки 1344-моддалар бўйича жазоланади. Ушбу жинойятлар қасддан содир

²⁰ <https://www.govinfo.gov/content/pkg/USCODE-2009-title18/html/USCODE-2009-title18.html> ўша жойда.

²¹ <https://www.govinfo.gov/content/pkg/USCODE-2009-title18/html/USCODE-2009-title18.html> ўша жойда.

этилади ва уларнинг факультатив белгиси сифатида жинойий мақсаднинг мавжуд бўлиши муҳим ўрин тутди.

Англия ва Уэльс қонунчилигида кредит муносабатлари соҳасидаги жиноятлар асосан **2006 йилги Фирибгарлик тўғрисидаги қонун (Fraud Act 2006)**, **1968 йилги Ўғрилик тўғрисидаги қонун (Theft Act 1968)** ва **1978 йилги Ўғрилик тўғрисидаги қонун (Theft Act 1978)** орқали тартибга солинади. Бу қонунлар кредит олиш жараёнида алдов, ёлғон маълумотлар тақдим этиш, сохта ҳужжатлардан фойдаланиш, тўловдан бўйин товлаш ёки молиявий манфаат олиш мақсадида ноқонуний хатти-ҳаракатларни жиноят сифатида белгилайди. Ушбу нормалар молиявий тизимнинг ишончилигини ҳимоя қилиш, кредиторлар манфаатларини таъминлаш ва иқтисодий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Тўлиқроқ тушуниш учун ушбу қонунларнинг асосий нормалари ва уларнинг кредит муносабатларига таъсирини батафсил кўриб чиқамиз.

Жумладан, Фирибгарлик тўғрисидаги қонун (Fraud Act 2006) Англия ва Уэльсда фирибгарлик жиноятининг мустақил таркибини жорий этади ва ушбу қонуннинг 2 та моддаси кредит муносабатлари жинойий тажовузлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Мазкур Қонуннинг 2-моддаси билан боғлиқ жиноятлар, “Ёлғон баёнот орқали фирибгарлик (Fraud by False Representation) бўлиб, бу моддага кўра, шахс қасддан ёки бепарволик билан ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумот тақдим этиб, бошқа шахсни алдаса ва бу орқали молиявий фойдани қўлга киритишга ҳаракат қилса ёки бошқага зарар етказса, жиноят содир этган деб топилади.”²² Масалан, банкка бериладиган кредит аризасида ҳақиқий даромад миқдорини ошириб кўрсатиш, шунингдек

²² <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents/> Буюк Британия Фирибгарлик тўғрисидаги қонун (Fraud Act 2006).

мулкни реал қийматини кўпайтириб тақдим қилиш ёки сохта молиявий ҳисоботлар топшириш бунга яққол мисол бўла олади. Сўз ўрнида, агар шахс банкка ўз даромадини 10 баробар ошириб кўрсатиб ипотека кредитини олса, қайд этилган қонун 2-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортилади. Суд амалиётида, Стефани Рей Гилберт (2012) ишида Апелляция суди (England and Wales Court of Appeal, Criminal Division) қарори билан Fraud Act 2006 нинг 2-моддасига мувофиқ, айбланувчини ёлғон маълумотларни тақдим қилиши, буни ноҳақ (dishonestly) амалга ошириши ва бу орқали молиявий манфаат олиш ёки бошқага зарар етказиш ниятида бўлиши кераклиги такидланган. Қонуннинг 3-моддасида “Фактни яшириш орқали фирибгарлик” (**Fraud by Failing to Disclose Information**) жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, агар шахс қонунан маълумотни ошкор қилишга мажбур бўлса (масалан, кредит аризасида ўз молиявий вазиятини тўлиқ кўрсатиш), лекин бу маълумотни қасддан яширса, у фирибгарлик содир этган деб топилади.²³ Кредит муносабатларида буларга банкротлик ҳолатини яшириш, шунингдек кредит шартномасида муҳим молиявий маълумотларни кўрсатмаслик киради. Бунга мисол сифатида шахс шахс ўз банкротлигини яшириб, банкдан бизнес кредит олишга муваффақ бўлса, бу 3-модда бўйича жиноий жавобгарликка олиб келади. Фирибгарлик тўғрисидаги қонунга кўра, жиноятни тугалланиши учун зарарни юзага келиши шарт эмас бўлиб, бунда алдаш нияти (intent to deceive) ва ноҳақ хатти-ҳаракат (dishonesty) мавжуд бўлса, жиноят таркиби учун етарли ҳисобланади.

Шу билан биргаликда, 1968 йилги Ўғрилиқ тўғрисидаги қонун 2006 йилги Фирибгарлик тўғрисидаги қонун қабул қилинганидан сўнг ушбу

²³ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents/> ўша жойда.

қонуннинг айрим моддалари камроқ қўлланилса-да, улар ҳали ҳам мураккаб ишларда ёки муайян ҳолатларда ишлатилади. Кредит муносабатлари билан боғлиқ асосий нормаларга 15-моддани кўрсатиб ўтиш керак, яъни **15-моддада “Алдов орқали мулк олиш” (Obtaining Property by Deception)**, шахс бошқа шахсни алдаш орқали мулк (нақд пул, кредит ёки бошқа молиявий манфаат) олиб қўйса, жиноят содир этган деб топилиши мустаҳкамланган.²⁴ Аммо, кейинчалик бу модда асосан Fraud Act 2-моддаси билан алмаштирилди, лекин мураккаб ишларда (масалан, бир вақтда бир неча молиявий институтларни алдаш) қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, қонунда **16-модда “Алдов орқали моддий манфаат олиш” (Obtaining a Pecuniary Advantage by Deception)** алдов орқали моддий манфаат (масалан, кредит, чек ёки молиявий имтиёз) олишни тартибга солади.²⁵ Бу модда ҳам Fraud Act билан қисман алмаштирилган, лекин айрим ишларда (масалан, чек фирибгарлиги) ҳали ҳам долзарб.

Англияда 1978 йилги Ўғрилиқ тўғрисидаги қонун фирибгарлик ва алдов билан боғлиқ жиноятларни тартибга солади, хусусан, кредит муносабатларида тўловдан бўйин товлаш ёки хизматларни ноқонуний олиш билан боғлиқ ҳолатларни тартибга солиши диққатга сазовордир. Қонуннинг **1-моддасида “Хизматларни алдов орқали олиш” (Obtaining Services by Deception)** кўрсатилишича, шахс алдов орқали хизматлар (масалан, банк хизматлари, кредит линияси, ипотека хизмати) олишга уринса, бу жиноят сифатида баҳоланиб, шунингдек, ушбу Қонуннинг 2-моддасига **“Тўловдан бўйин товлаш” (Making Off Without Payment)** биноан, агар шахс кредит шартномаси бўйича тўловдан қасдан бўйин товласа, масалан, кредит бўйича

²⁴ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1968/60/contents/Буюк Британия Theft Act 1968>.

²⁵ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1968/60/contents/Ўша жойда>.

тўловларни амалга оширмаслик ниятида молиявий имтиёзлардан фойдаланса, бу жиноят деб топилади.²⁶ Масалан, кредит бўйича тўловларни тўхтатиб, қарздор банкка зарар етказиш. Мисол: *R v Allen (1985)* ишида айбланувчи қарзни тўлаш ниятсиз кредит хизматларидан фойдалангани учун 2-модда бўйича жазоланган. *R v Allen (1985)* иши Theft Act 1978 нинг 3-моддасининг талқинини аниқлаштирган ва қуйидаги ҳукуқий принципларни ўрнатган, яъни қасднинг мавжуд бўлиши талаби: моддадаги “тўловдан қочиш нияти” (intent to avoid payment) тушунчаси тўловни ҳеч қачон амалга оширмаслик ниятини англатади. Вақтинча кечиктириш (масалан, пул топиб, кейинроқ тўлаш нияти) жиноят сифатида баҳоланмайди. Бу принцип суд амалиётида кенг қўлланилади ва фирибгарлик ишларида исбот юкини оширади. Бу иш кредит муносабатларидаги жиноятлар учун муҳим, чунки у тўловдан бўйин товлаш ҳолатларини тартибга солади. Масалан, кредит шартномаси бўйича тўловни вақтинча кечиктириш нияти жиноят эмас, лекин тўловни ҳеч қачон амалга оширмаслик нияти – жиноят. Бу Fraud Act 2006 нинг 2- ва 3-моддалари билан уйғунлашган, лекин Theft Act 1978 нинг махсус нормаларини аниқлаштиради.

Англия қонунчилигида кредит муносабатларидаги жиноятларнинг субъекти қуйидагилар бўлиши мумкин, яъни кредит олиш мақсадида ёлғон маълумот тақдим этган жисмоний шахслар, сохта ҳужжатлар тайёрлашда ёки алдов схемаларида иштирок этган брокер ва молиявий агентлар, кредит беришда ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этган банк ходимлари, кредит жараёнида алдовда иштирок этган кафиллар, маслаҳатчилар ёки бошқа иштирокчилар. Қасд (dishonesty) ва алдаш нияти (intent to deceive)

²⁶ https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1978/31/Буюк_Британия_Theft_Act_1978.

жиноятнинг асосий элементларидир. Fraud Act 2006 да “dishonesty” тушунчаси **R v Ghosh (1982)** ишидаги ҳолат асосида баҳоланади:

Шахснинг хатти-ҳаракати “оддий одам” стандартларига кўра ноҳақ деб топилиши керак;

Шахс ўзининг хатти-ҳаракати ноҳақлигини билиши лозим. Масалан, кредит олиш учун ёлғон маълумот тақдим этган шахс, агар бунинг ноқонунийлигини билса, жиноий жавобгарликка тортилади.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, англо-саксон ҳуқуқ тизимида кредит муносабатлари соҳасидаги жиноий жавобгарлик қонунчилик ва суд амалиёти уйғунлигида намоён бўлади. Кодификация тўлиқ бўлмаганига қарамадан, қонун нормалари суд қарорлари орқали бойитилади ва доимий равишда янгиланиб боради. Бу эса мазкур тизимни динамик ва амалий жиҳатдан самарали қилади.

Шунингдек, Хитой Жиноят кодекси (Criminal Law of the People's Republic of China) 1997 йилги таҳрирда қабул қилинган ва 2020 йилдаги ўзгартиришлар билан янгиланган бўлиб, иқтисодий жиноятлар, хусусан, кредит муносабатларидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларга қарши нормаларни ўз ичига олади. Асосий моддалар қуйидагича, яъни ЖК **186-моддада** банк ёки бошқа молиявий муассасалар ходимлари қонунчиликка зид равишда имтиёзли кредитлар бериш ҳолатлари, агар улар катта миқдорда зарар келтирса жиноят сифатида белгиланган.²⁷

Бундан ташқари, ЖК 187-моддасида, банк ёки бошқа молиявий муассасалар ходимлари фойда олиш мақсадида миждозлар маблағларини ҳисобга олмасдан қабул қилиб, ушбу маблағларни ноқонуний равишда қарз

²⁷ <https://www.asianlii.org/cn/legis/cen/laws/clotproc361/> Хитой Жиноят кодекси.

бериш ёки кредит тақдим этиш учун ишлатиш ҳолатлари, агар жиддий зарар келтиришга олиб келса, жиноят сифатида белгиланади.²⁸

Шунингдек, ЖК 193-моддада банк ёки молиявий муассасалардан **сохта ҳужжатлар, қалбаки шартномалар ёки қайта гаровга қўйилган мулк асосида кредит олиш ҳолатлари** аниқ **фирибгарлик** сифатида белгиланган. Бу моддада айниқса “**катта миқдордаги ёки айниқса оғир ҳолатлардаги кредит фирибгарлиги учун қаттиқроқ жазо чоралари**” назарда тутилган. Қонуннинг 194–197-моддаларида эса **кредит карталари, чеклар, давлат облигациялари билан боғлиқ фирибгарлик ҳолатлари** учун алоҳида жавобгарлик белгиланган.²⁹

Корея Республикаси Жиноят кодекси (Criminal Act) кредит муносабатларидаги ноқонуний ҳаракатларни, хусусан, алдов ва фирибгарлик ҳолатларини тартибга солишга алоҳида эътибор беради. Бу соҳада асосий нормалардан бири 313-модда (Кредитни бузиш – Injuring Credit) бўлиб, унга кўра, шахс бошқа шахснинг кредит ишончилигини ёлғон фактларни тарқатиш ёки фирибгарлик усуллари орқали бузса, жазоланади.³⁰ Бу модда кредит олиш жараёнида ёлғон маълумотлар тақдим этиш ёки сохта ҳужжатлардан фойдаланиш каби ҳолатларни қамраб олади, чунки бундай ҳаракатлар кредиторнинг ишончилигини бузади ва молиявий зиён етказди. Масалан, қарздор ўз молиявий ҳолати ҳақида ёлғон маълумот бериб, кредит олса, бу 313-модда доирасида жиноий жавобгарликка олиб келади.

Бундан ташқари, Жиноят кодексининг 347-моддаси (Фирибгарлик – Fraud) кредит муносабатларида умумий алдов ҳолатларини тартибга солади.

²⁸ <https://www.asianlii.org/cn/legis/cen/laws/clotproc361/> Ўша жойда.

²⁹ <https://www.asianlii.org/cn/legis/cen/laws/clotproc361/> Ўша жойда.

³⁰ https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=28627&lang=ENG Корея Республикаси Жиноят кодекси.

Унга мувофиқ, шахс бошқа шахсни алдаб, унинг мулкини олиб қўйса ёки иқтисодий манфаатга эга бўлса, жазоланади. Бу модда кредит шартномаларида ноқонуний манфаат олиш, масалан, қасддан қарзни қайтармаслик ниятида кредит олиш ҳолатларига татбиқ этилади.³¹

Жиноят кодексининг 314-моддаси (Бизнес фаолиятига тўсқинлик қилиш – Obstruction of Business) ҳам кредит муносабатларига тегишли бўлиши мумкин, унда фирибгарлик ёки қўрқитиш орқали бошқа шахснинг бизнесига зарар етказиш жазоланади.³² Бу нормалар кредит муносабатларидаги алдовларнинг олдини олиш ва молиявий интизомни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Агар шахс жиноий иш қўзғатилишидан олдин зарарни ихтиёрий қопласа, жазодан озод этилиши мумкин, бу “фаол тавба” институтига ўхшаш.

Ҳиндистон Жиноят кодексининг 415-моддасида “фирибгарлик” атамасига аниқ таъриф берилган бўлиб, у шахснинг **бошқани адаштириш ва шу орқали унинг мулкини ёки розилигини қўлга киритиш ҳаракати** сифатида тавсифланади. Агар шахс алдаш йўли билан бошқани мулкни беришга ёки ҳаракат қилмасликка мажбур этса ва бунинг натижасида моддий ёки маънавий зарар етса — бу ҳолат фирибгарлик ҳисобланади³⁰.

Масалан, агар фуқаро (А) қарз сўраб, уни қайтариш ниятисиз бошқани ишонтирса ва пул олса, у ҳолда **қарз муносабати ниқоби остидаги фирибгарлик жинояти** содир бўлган ҳисобланади.

Халқаро тажриба таҳлили шуни кўрсатадики, кредит муносабатларини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш барча ривожланган ва ривожланаётган

³¹ https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=28627&lang=ENG/ўша жойда.

³² <https://www.indiacode.nic.in/repealedfileopen?rfilename=A1860-45.pdf>/Ҳиндистон Республикаси Жиноят кодекси.

давлатлар қонунчилигининг ажралмас қисми ҳисобланади. Турли мамлакатлар қонунчилигида кредит соҳасидаги ноқонуний хатти-ҳаракатларни тартибга солишда икки асосий ёндашув устунлик қилади: махсус нормалар орқали алоҳида тартибга солиш ва умумий фирибгарлик таркиби доирасида қараш. Россия Федерацияси (РФ ЖК 159¹-моддаси) ва Қозоғистон (ҚР ЖК 194-моддаси) каби мамлакатларда кредит соҳасидаги фирибгарлик алоҳида модда сифатида ажратилган, бу эса жиноятларнинг аниқ кўринишларини қамраб олишга имкон беради. Франция (Code pénal 313¹-моддаси) қонунчилигида эса бундай ҳолатлар умумий “фирибгарлик” ёки “ишончни суиистеъмол қилиш” тушунчалари орқали тартибга солинади, бу қонуннинг кенгроқ қўлланилиш имконини таъминлайди. Шунингдек, Молдова (ЖК 238-моддаси) ва Тожикистон (ЖК 264-моддаси) қонунчилигида кредит олишда сохта маълумотлар тақдим этиш алоҳида жиноят сифатида белгиланган, бу эса иқтисодий жиноятларга қарши курашишнинг самарали усулидир.

Хорижий амалиётда жиноят таркибининг формал хусусияти кўп ҳолларда мавжуд: жиноят кредит ташкилотига ёлғон маълумот ёки сохта ҳужжат тақдим этилган пайтда тугалланган деб ҳисобланади, ҳатто кредит олинмаган бўлса ҳам. Бу ёндашув Германия ва Франция қонунчилигида устунлик қилади, чунки жиноятнинг тайёргарлик босқичи ҳам жазоланади. Шунингдек, Украина ва Молдовада ҳам шунга ўхшаш талқин мавжуд, бу профилактика чораларини самарали қилган.

Нихоят, жиноятнинг предмети кўп ҳолларда фақат пул маблағлари билан чекланмайди, балки мулкӣ ҳуқуқлар, қоғозли активлар ёки бошқа моддий қийматларни ҳам ўз ичига олади. Масалан, АҚШ ва Англия

қонунчилигида кредит фирибгарлиги кредит карталари, облигациялар ва бошқа молиявий ҳужжатлар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Хитой ва Кореяда эса предмет сифатида қимматли қоғозлар ва электрон маблағлар ҳам қаралади. Бу кенг талқин кредит тизимининг рақамли ривожланишига мос равишда қонунчиликни такомиллаштириш заруратини кўрсатади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. М.Ахмаджонов Хорижий мамлакатлар қонунчилиги бўйича фирибгарлик жиноятлари учун жавобгарлик: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил 2012 №1 ♦ Ўзбекистон Қонунчилиги таҳлили.
2. Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси (Strafgesetzbuch – StGB) https://www.gesetze-im-internet.de/englisch_stgb/englisch_stgb.html/.
3. М.М. Савченко Уголовное законодательство зарубежных стран о мошеннических посягательствах на собственность и законные интересы кредитных учреждений УДК 349 DOI 10.20310/2587-9340-2021-5-20-779-791 2021.
4. МДХ Намунавий Жиноят кодекси/https://www.usip.org/sites/default/files/MC2/MC2-1-Front_Matter.pdf/.
5. Россия Федерацияси Жиноят кодекси, 159.1-модда/<https://www.wipo.int/wipolex/en/legislation/details/17946/>.
6. <https://ombudsman.gov.tm/doc> Уголовный%20кодекс.pdf/Туркменистон Республикаси Жиноят кодекси.
7. Озарбайжон Республикаси Жиноят кодекси/ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30420353.

8. Белоруссия Республикаси Жиноят кодекси/ <https://pravo.by/-document/?guid=3871&p0=hk9900275>.
9. Германия Федератив Республикаси Жиноят кодекси (Strafgesetzbuch – StGB) §264 “Субсидияларни қўлга киритишга қаратилган фирибгарлик.” (Subventionsbetrug)/ https://www.gesetze-iminternet.de/engli-sch_stgb/englis-ch_stgb.html.
10. Тожикистон Жиноят кодекси, 264 ва 246-моддалар/ <https://www.warnathgroup.com/wp-content/uploads/2015/03/Tajikistan-Criminal-Code.pdf>.
11. Украина Жиноят кодекси/ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30418109.
12. Молдова Республикаси Жиноят кодекси, 238-модда/ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923.
13. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодекси 194-модда/ https://continent-online.com/Document/?doc_id=30394923#pos=27;-60.
14. Венгрия Жиноят кодекси, 373-модда/ <https://legislationonline.org/taxonomy/term/15700>.
15. Италия Банкротлик қонуни, 216-модда/ <https://www.normattiva.it/uri-res/N2Ls?urn:nir:stato:regio.decreto:1942-03-16;267>.
16. Италия Жиноят кодекси/ <https://iclg.com/practice-areas/business-crime-laws-and-regulations/italy>.
17. Франция Жиноят кодекси (Code pénal)/ <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070719/>.
18. Франция Жиноят кодекси (Code pénal)/ <https://www.legifrance.gouv.fr/codes/id/LEGITEXT000006070719/>.

19. АҚШ Жиноят кодекси, 18 U.S.C./ <https://www.govinfo.gov/content/pkg/USCODE-2009-title18/html/USCODE-2009-title18.htm>.
20. АҚШ Жиноят кодекси, 18 U.S.C./ <https://www.govinfo.gov/content/pkg/USCODE-2009-title18/html/USCODE-2009-title18.htm>.
21. АҚШ Жиноят кодекси, 18 U.S.C./ <https://www.govinfo.gov/content/pkg/USCODE-2009-title18/html/USCODE-2009-title18.htm>.
2. Буюк Британия Фирибгарлик тўғрисидаги қонун (Fraud Act 2006)/ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents>).
23. Буюк Британия Фирибгарлик тўғрисидаги қонун (Fraud Act 2006)/ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2006/35/contents>).
24. Буюк Британия Theft Act 1968/ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1968/60/contents>).
25. Буюк Британия Theft Act 1968/ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1968/60/contents>).
26. Буюк Британия Theft Act 1978/ <https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1978/31>.
27. Хитой Жиноят кодекси/ <https://www.asianlii.org/cn/legis/cen/laws/-clotproc361/>.
28. Хитой Жиноят кодекси/ <https://www.asianlii.org/cn/legis/cen/laws/-clotproc361/>.
29. Хитой Жиноят кодекси/ <https://www.asianlii.org/cn/legis/cen/laws/-clotproc361/>.
30. Корея Республикаси Жиноят кодекси (Criminal Act), 313-модда/ https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=28627&lang=ENG.

31. Корея Республикаси Жиноят кодекси (Criminal Act), 313-модда/
https://elaw.klri.re.kr/eng_service/lawView.do?hseq=28627&lang=ENG.

32. Ҳиндистон Республикаси Жиноят кодекси (Penal Code)/
<https://www.indiacode.nic.in/repealedfileopen?rfilename=A1860-45.pdf>.